

NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN
SOUTH KAZAKHSTAN UNIVERSITY



AUEZOV
UNIVERSITY
1943

April, 2022

**Current Issues of
Social Sciences
and Humanities**


**International Scientific and
Practical Conference**

The Department of Ethics and Aesthetics

**The Faculty of Social
Sciences**



NUU.UZ



ИНГЛИЗ ТАРБИЯ РОМАНЧИЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ХУСУСИДА

Зилола Толибовна Сафарова
Бухоро давлат университети

АННОТАЦИЯ

Тарбия романни жанри адабиётшуносликнинг аҳамиятли ва тадқик этилиши лозим бўлган соҳаси ҳисобланиб, Англияда у асосан Виктория даври адабиётида гуллаб яшнади.

Калит сўзлар: Билдунгсроман, етим, етимлик, тарбия романлари, сюжет, бош қаҳрамон.

ABSTRACT

Bildungsromans are one of the most significant branches of world literature that is worth to be investigated. In English literature this genre mainly flourished during the Victorian age.

Keywords: Bildungsroman, novel, orphan, orphan hood, romans of formation, plot, main hero.

Маърифатчилик даври адабиётида маърифат орқали тарбиялаш мавзуси етакчи ўринга кўтарилиди. Шунинг учун, инглиз маърифатчилик адабиётида ҳам бу борада маҳсус тарбия романлари силсиласи вужудга келди. Маълумки, етим-ўгай болаларнинг илм олиши учун шароити ҳамиша ҳам етарли эмас эди. Шу сабабли, яратилган асарларда етим-ўгай болалар тақдири, илмизлик фожеаси алоҳида мавзу сифатида ёритила бошланди.

Таълим-тарбия хақида сўз кетганда, Абдулла Авлонийнинг “*Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё најсот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир*”[1,14] деган чукур маъноли фикри беихтиёр ёдимизга тушади. Буюк маърифатпарвар адабнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўпроқ долзарб аҳамиятга эгадир. Бадиий адабиётда кўплаб ёзувчилар “тарбия” атамасининг маъносини, тарбиялашнинг мазмунини алоҳида баён қилмаган бўлсалар ҳам ўз асарларида ўзлари яратган бадиий образлари орқали тарбиянинг турли қирраларини ифодалаганлар. Албатта бадиий асарларнинг ҳаммаси ҳам қайсиидир маънода тарбиявий аҳамиятга эга, аммо тарбия романларида бу бош қаҳрамоннинг китобхон кўз олдида улғайиши ва комилликка етишиши орқали яққол гавдалантирилади. Шу жиҳати билан улар бошқа романлардан ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, XVIII асрнинг бошларида кўпгина Европа ёзувчилари проза шаклида узун воқеаларни тасвиirlай бошладилар. Янги роман жанрини дастлаб Англияда инглиз ёзувчилари Даниэл Дефо, Самуэл Ричардсон ва Гэнри Филдинглар ривожлантирган бўлсалар-да, Америка ва Германияда ижодкорлар тарбия романлари пайдо бўлишида улкан ҳисса қўшишди. Жумладан, Германияда Виленднинг “Агатон тарихи” (1766-67) (“The history of Agathon”) ҳамда Гётенинг “Вилгельм Майстернинг шогирдлик йиллари (1795)” (“Wilhelm Meister’s Apprenticeship”) романлари ёзилган бўлса, Америкада Марк Твеннинг “Геклберри Финнинг бошидан кечирганлари” (1884) ва Жэрому Селинжернинг “Жавдардаги тутувчи” (1951) (“The Catcher in the Rye”) каби романлари ушбу жанрдаги муваффақиятли асарлардан ҳисоланади [3, 22].

Аслида, Билдунгроман жанри элементларини барча даврлардаги кўплаб романларда учратиш мумкин, бироқ у алоҳида жанр сифатида ҳали шаклланмаган эди. Билдунгроман атамаси 1817 йилда Карл фон Моргенстерн томонидан фанга киритилган бўлиб [3, 22], бу жанр XIX асрнинг ўрталарида Англияда ҳам, Америкада ҳам гуллаб-яшнаган. Немис тилидан келиб чиқсан ҳолда “Bildungs” – “шаклланиш”, “roman” эса “роман” деган маънони англатади. Билдунгроман - бу асосий қаҳрамоннинг ривожланиши ёки тарбиясига қаратилган романларга кўйилган ном. Бу атама илк бор расман 1910 йилда “Британника” қомусий нашрида шундай таъриф билан келтирилади: “*Bildungsroman is class of novel that deals with the maturation process, with how and why the protagonist develops as he does, both morally and psychologically*”. (“Тарбия романи – ўсиб улғайиш жараёни тасвири билан боғлиқ ҳолда қаҳрамоннинг ахлоқий ва руҳий ривожланиш омилларини ва сабабларини тасвиirlайдиган жанр саналади”) [4,12].

Жаҳон адабиётшунослигида тарбия романлари жанри *Bildungsroman*, *coming-of-age*, *Entwicklungsroman* (rivожланиш романи), *Erziehungsroman* (таълим романи), *Kunstlerroman* (рассомнинг ривожланиши) ва қаҳрамон яшаган даврнинг ривожланишини уйғунлаштирган *Zeitroman* [3,25] каби турли кўринишларда учрайди. Қисқа қилиб айтганда, уларнинг бари шаклланиш ва ривожланиш романлари сифатида қаралади.

Bildungsroman ғоя жиҳатдан бош қаҳрамоннинг етуклика эришиш учун ўзгариши жараёнларини ёритиб беришга қаратилган. Умуман олганда, бундай асарлар таҳлил қилинганда улар сюжетида қўйидаги муштарак жиҳатлар кўзга ташланади:

Йўқотиш: Қаҳрамон ҳикоя бошида, одатда, болалик ёки ўсмирлик давридаги чуқур ҳиссий йўқотишни бошдан кечирали. Аксарият асарларда бу ота-онасини ёки улардан бирини йўқотиш орқали ифодаланади. Қаҳрамон бирор қариндоши

қарамоғида баъзан эса бутунлай кўчада қолади. Ч.Диккенснинг “Девид Копперфилд” асарида Девид ўгай ота билан, “Катта Умидлар”даги Пип опаси билан, Шарлотта Бронтенинг “Жейн Эйр” асарида Жейн амакисининг хотини билан қолади ваadolatciz, совуқ муносабатни кўриб ўсади.

Саёҳат: Ноҳақликлардан чарчаган бош қаҳрамон қалбидаги саволларга жавоб топиш ва орзуларини рўёбга чиқариш мақсадида ёки шунчаки, дунёни яхшиrok тушунишга ёрдам берадиган ҳаётий тажрибага эга бўлиш учун жисмоний ёки мажозий йўл билан саёҳатга чиқади. Марк Твеннинг “Том Сойернинг саргузаштлари” (1876) асари номи дунёга машҳур болалар романларидан биридир. Том роман қаҳрамони бўлиб, холасининг тарбиясида бўлади. Аммо, у холасининг бетўхтов насиҳатларидан безиб уйдан қочади ва кўплаб саргузаштларни бошидан кечиради. Чарльз Диккенснинг “Девид Копперфильд” романи қаҳрамони Девид ўгай ота зулмига чидай олмай, ўз бахтини излаб кетади. Ҳаёт йўлида турли тоифадаги яхши ва ёмон персонажларга дуч келиб, мустақил шахс сифатида шаклланиб боради.

Можаро ва шахсий ўсиш: Қаҳрамоннинг етуклик сари йўли осон эмас. Улар кўп хато қиласидилар ва одатда жамият томонидан яхши кутиб олинмайдилар. Аммо, ҳикоя давом этар экан, қаҳрамон ҳар томонлама ривожланиб боради ва жамият уларни қайта қабул қиласиди. Шарлотта Бронтенинг “Жейн Эйр” романи етим қизнинг шахсий фикрли мағрур аёлга айланиши жараёнларини акс эттиради. Муаллиф Жейн Эйр орқали, дастлаб уни боқиб олган оила аъзолари томонидан хўрланган, кейинчалик қизлар мактабининг раҳмсиз раҳбари томонидан адолатсизларча жазоланиб келинган бўлса-да, тик туриб қурашишга ҳамиша куч топа оладиган иродали қиз образини гавдалантирган. Шунингдек, “Катта умидлар” асарида ҳам бош қаҳрамон етим бола Пип орзу-умидлари йўлида рухан ва жисмонан кўплаб зарбаларга учрайди. Бундай кутилмаган синовлар уни чиниктиради ва ҳаётни кенгроқ англашга ёрдам беради.

Етуклик: Қаҳрамон роман охиригача улкан психологик ўсиш, ўзгариш ва етукликни намоён этади. Ҳикоя, баъзида улар камолот йўлида кимдантир ёрдам олишлари ва ҳатто ўзлари кимгадир ёрдам беришлари билан якунланади. Масалан: Жеймс Олдрижнинг “Чўл уфқлари қаҳрамонлари” (1954) романидаги Зейн кўчада юрган кимсасиз боладан ҳақиқий ишчига айланади. Лекин бунгача у турмуш мешақатларини бошидан кечиради.

Бахтли якун: Деярли барча тарбия романлари ниҳоясида бош қаҳрамон хатоларидан хulosса чиқаради, орзуларига, мақсадларига эришади. Хуллас, асар яхшилик билан тугалланади. XVIII-аср Инглиз адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан бири Генри Филдинг ижодига мансуб “Топилдиқ Том Жонс тарихи”(1749) номли романи адаб

ижодининг юқори чўккиси ҳисобланади. Асар реалистик роман жанрида ёзилган бўлиб, Англияning ҳақиқий манзараси кенг чизиб берилган. Унда ҳар хил табақа вакиллари, касб эгалари ҳаёти гавдалантирилган [2,169]. Асар сўнгида чақалоқлигига ёқ ташлаб кетилган Томнинг кимлиги аниқ бўлади ва у тоғасининг меросхўрига айланади. Худди шундай воқеалар ривожини Чарльз Диккенснинг “Оливер Твист” романида ҳам учратиш мумкин.

Бу жанрда ижод қилган немис романнавислари кўпроқ қаҳрамоннинг ички ва руҳий курашига эътибор қаратишса, инглиз ёзувчилари протагонистнинг ўзи ва ташки дунё зиддиятлари ўртасидаги шахсий ўзлигини шакллантириш йўлидаги курашни бош мавзу даражасига кўтаришган [3,22].

REFERENCES

1. Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент:Ўқитувчи 1992, 160 б.
2. Volosova T.D, Hecker M.J, Rogoff VV. English literature. – Moscow: “Prosveshcheniye” 1974, 239 p.
3. Mr. Simhachalam Thamarana. Origin and Development of Bildungsroman Novels in English Literature. International Journal of English Language, Literature and Humanities. India, Volume III, Issue VI, August 2015 – ISSN 2321-7065
4. Махмудова Н.А. Чарльз диккенс ижодида тарбия романни жанри типологияси. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореф. Тошкент – 2020
5. Махмудова Н.А. Жанр роман воспитания: проблемы методологии анализа. Scientific-methodological electronic journal “Foreign Languages in Uzbekistan”, 2021, No 3 (38),242-256. <https://journal.fledu.uz> ISSN: 2181-8215 (online)
6. Мухамеджанова Л.А.(2021) “Тенденции изменения этических норм в информационном обществе”. Материалы конференции Социальная реальность виртуального пространства. С. 48-54
7. Мухамеджанова Лалихон Ашуралиевна, Асадуллина Гузелия Рауфовна, Ермоченко Константин Павлович, Шкуран Оксана Владимировна, Ивентьев Сергей Иванович. (2021) “Социальная истинна и духовно-нравственная сфера человека” С.111-118.

CONTENTS | MUNDARIJA | СОДЕРЖАНИЕ

- 175.Суярова, А. Х. (2022). МУЛЬТИМЕДИА КАК СРЕДСТВО ПОВЫШАЮЩЕЕ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ НА УРОКАХ В НАЧАЛЬНОМ КЛАССЕ. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1107-1111. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1107-1111>
- 176.Алиева, Х. Р. (2022). ХАРАКТЕРНЫЕ РАЗЛИЧИЯ ОБЪЕКТИВНОГО И СУБЬЕКТИВНОГО ОБРАЗОВ В ЛИРИКЕ М. ЖУМАНАЗАРОВОЙ. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1112-1116. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1112-1116>
- 177.Alimova, S. (2022). XITOY TILIDA MODAL FE'LLARINI QO'LLASH HUSUSIDA. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1117-1121. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1117-1121>
- 178.Арипова, Х. А., & Сайдова, С. (2022). ЯЗЫКОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОИЗВЕДЕНИЙ А. П. ЧЕХОВА. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 2(3), 1122-1128. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1122-1128>
- 179.Bozorova, X. E. (2022). "KECHIKIB KELDIM MEN BU OSTONAGA". *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1129-1133. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1129-1133>
- 180.Зинатдинова, Г. И. (2022). ХРОНОТОП «НОЧИ» (НА ПРИМЕРЕ ЛИРИКИ Ш.РАХМОНА И Ш.СЕЙИТОВА). *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1134-1138. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1134-1138>
- 181.Мавлянова, У. Х. (2022). CONCERNING THE EMERGENCE OF NUMBERS IN CHINESE. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1139-1142. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1139-1142>
- 182.Назирова, Ш. М. (2022). ЖЕНСКАЯ ЛИТЕРАТУРА И ОБРАЗ ГОРОДА В РОМАНЕ ВЭЙ ХОЙЯ 卫慧 «ЗАМУЖЕМ ЗА БУДДОЙ 我的神». *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1143-1148. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1143-1148>
- 183.Некова, М., & Шукруллаева, О. (2022). ОСНОВНЫЕ ФУНКЦИИ СРАВНЕНИЯ В СЕМАНТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЕ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ТЕКСТА. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1149-1153. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1149-1153>
- 184.Otajonova, S. S. (2022). THE COMMUNICATIVE LANGUAGE APPROACH IN ESL EDUCATION. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1154-1158. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1154-1158>
- 185.Розикова, Н., & Султонова, В. (2022). ФЕНОМЕН АВТОРСКОГО ТЕАТРА ЕВГЕНИЯ ГРИШКОВЦА. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1159-1164. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1159-1164>
- 186.Сафарова, З. Т. (2022). ИНГЛИЗ ТАРБИЯ РОМАНЧИЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ХУСУСИДА. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1165-1168. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1165-1168>